

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ҚОШИДАГИ UZINFOSOM КОМПҮҮТЕР VA АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НАМДА ЖОРИЙ ЕТИШ
МАРКАЗИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ УСТАВИ
(янги тахрири)**

Тошкент – 2016

I. Умумий қондалар

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги UZINFOCOM KOMPYUTER VA AXBOROT TECHNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISH HAMDA JORIY ETISH MARKAZI DAVLAT UNITAR KORXONASI (кейинги ўринларда “Марказ” деб юритилади) Уставининг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги Низом” шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисидаги Низом”га ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди.

1.1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимининг 2002 йил 30 июлдаги 1241-сонли қарори билан, кейинчалик юридик манзили ўзгариши муносабати билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 17 апрелда R-001807-09-сон реестр тартиб рақами билан Марказ давлат рўйхатига олинган, юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) бўйсунувчи мустақил тузилма ҳисобланади.

1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 200-сон қарори асосида Ўзбекистонда ахборот ва компьютер технологияларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

1.3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва қарорлари, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармойишлари, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларга ҳамда Вазирлик ҳайъатининг қарорлари ва Вазирлик буйруқларига, соҳага доир меъёрий ҳужжатларга ва ушбу Уставга амал қилади.

II. Марказнинг юридик мақоми

2.1. Марказ Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идораларида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Марказ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ҳисобланади ва хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бошқариш ҳуқуқи билан ўз мустақил балансида ҳисобга олинган мулкларга, банк ҳисоб рақамига ва валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

2.3. Марказ давлат тилида ўз номи тўлиқ ва манзили ёзилган гербли муҳрга эга.

2.4. Марказ ўз фирма номи кўрсатилган тамғалар, штемпел ва бланкларга, шунингдек ўз рамзий нишони ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ва бошқа визуал идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

III. Марказнинг номи

3.1. Марказнинг ўзбек тилидаги тўлиқ номи:

UZINFOCOM KOMPYUTER VA AXBOROT TECHNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISH HAMDA JORIY ETISH MARKAZI DAVLAT UNITAR KORXONASI;

ўзбек тилидаги қисқартирилган номи:

UZINFOCOM MARKAZI DUK;

рус тилидаги тўлик номи:

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ЦЕНТР РАЗВИТИЯ И ВНЕДРЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ UZINFOCOM;

рус тилидаги қисқартирилган номи:

ГУП ЦЕНТР UZINFOCOM;

инглиз тилидаги тўлик номи:

STATE UNITARY ENTERPRISE COMPUTERIZATION AND IT DEVELOPING CENTER UZINFOCOM;

инглиз тилидаги қисқартирилган номи:

SUE UZINFOCOM CENTER

3.2. Марказ муассиси: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** ҳисобланади.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ **Вазирлик** Марказнинг барча молиявий маблағлари ва мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир.

3.4. Марказнинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 28-б уй.

3.5. Марказнинг фаолият муддати чекланмаган.

IV. Марказнинг мақсадлари ва вазифалари

4.1 Марказнинг асосий мақсади: ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш дастурларини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига (давлат органлари) кўмаклашиш, АКТ соҳасини янада ривожлантириш ҳамда АКТни давлат бошқарувида жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллашда иштирок этиш, республика аҳолисини АКТ соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот билан кенг ва объектив равишда таъминлашдан иборат.

4.2 Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Вазирликнинг буюртмаси бўйича АКТни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг реал тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базалари, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларда иштирок этиш;

компьютерлаштириш ва АКТ ни жорий этиш масалалари юзасидан давлат органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнес вакилларига кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

изланиш, тадқиқот, таълим ва тренинг фаолиятини амалга ошириш, АКТ соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва юқори тоифадаги кадрларни шакллантиришда кўмаклашиш;

маълумотларни узатиш тармоқларини (Интернет) лойиҳалаштириш, куриш, эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш.

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш;

миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш ва давлат органларининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида ташкил этилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятини технологик такомиллаштириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасини тезкор

ахборот билан таъминлаш учун интеграцияланган ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш;

ташкilotларнинг ахборот тизимларини Миллий ахборот тизимига интеграция қилиш бўйича технологик ишларни мувофиқлаштириш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказининг технологик жараёнларини ташкиллаштириш ва ривожлантириш, ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

“электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича технологик тадбирларни амалга ошириш ҳамда “электрон ҳукумат” платформасини техник қўллаб-қувватлаш;

“электрон ҳукумат” платформасига давлат ахборот тизимлар ва ресурсларни интеграцияси бўйича ишлар олиб бориш ва тегишли шароитларни яратиш;

“ZiyoNET” таълим ахборот тармоғи ва тармоқ доирасида яратилган ресурслар фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш;

Миллий ахборот-қидирув тизимини мунтазам равишда техник таъминлаш ва ривожлантириш;

Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш, уни ахборот ва сервислар билан янада бойитиш мақсадида ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий таъминотлар ва мобил қурилмалар учун дастурий таъминотлар яратиш;

Асосий мақсад ва вазифаларга мувофиқ Марказ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

идоравий ахборот тизими, компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳа ва дастурларни экспертизадан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига юклатилган вазифаларни амалга оширишни оптималлаштириш учун махсус дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг сервер инфратузумасини, маълумотлар базасини бошқариш, ахборот тизимлари платформасининг турғунлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимларини ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

мавжуд ахборот тизимлари ва ресурсларини Миллий ахборот тизимига интеграция қилиш бўйича техник ва ташкилий талабларга мослигини таҳлил қилиш;

ташкilotларнинг ахборот тизимларини Миллий ахборот тизимига интеграция қилиш;

Миллий ахборот тизими доирасида интеграция қилинишини инобатга олган ҳолда давлат органларининг ахборот тизимларини, яратиш;

юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматларини тақдим этиш бўйича ягона технологик платформани доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш;

илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари учун ахборот тизимларини ташкил этиш ва уларнинг Интернетга киришини таъминлашга оид лойиҳаларда иштирок этиш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасидаги халқаро симпозиумлар, семинар ва конференцияларда қатнашиш;

компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

Ҳукумат Порталида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, Республика Ҳукумати, давлат органлари фаолиятини кенг ёритиш;

Ҳукумат Портали фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда портални ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари тўғрисида материаллар тайёрлаш ва уларни босма ҳамда электрон ОАВда чоп этиш;

Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат Порталидан узлуксиз фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, интерактив давлат хизматларини, тадбиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталини техник жихатдан қўллаб - қувватлаш ва технологик ривожлантириш, уни ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;

ZiyoNET тармоғининг Ресурс маркази ва унинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

“ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жихатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий, маънавий-маърифий, илмий-таълим ҳамда бошқа ахборотдан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;

республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усуллари, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш;

UZ домен зонасини ривожлантириш ҳамда домен номларини рўйхатга олиш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказига сервис ва кафолатли хизмат кўрсатиш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказини қўлаб-қувватловчи, ахборот технологиялари инфратузилмалари ва давлат органларининг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва техник қўллаб қувватлаш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказини бошқариш ва мониторинг қилиш тизими фаолиятини ташкил этиш ва ахборот технологиялари инфратузилмалари ҳамда ҳаёт фаолиятини таъминловчи тизимларни техник қўллаб қувватлаш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказининг бутунлигини таъминлаш мақсадида уни ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштириш;

Давлат органларининг ахборот тизимларини ахборот хавфсизлиги ва уни химоя қилишни таъминлаш соҳасидаги стандартларга мослиги бўйича ахборот хавфсизлиги экспертизасини утқишиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ахборот тизимларига техник хизмат кўрсатиш;

Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги ва турар-жой фонди портали фаолиятини юритиш, техник жихатдан қўллаб - қувватлаш ва технологик ривожлантириш, узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги ва турар-жой фонди портали фаолиятини ташкиллаштириш орқали коммунал соҳасида аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш бўйича тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги ва турар-жой фонди портали фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда портални ривожлантириш ва такомиллаштириш истикболлари тўғрисида материаллар тайёрлаш ва уларни босма ҳамда электрон ОАВда чоп этиш;

Дастурчилар ва дастурий маҳсулотлар миллий каталогининг (software.uz) ишлашига, уни он-лайн равишда юритишга доир ташкилий, техник ишларни амалга ошириш, узлуксиз ишлашини ва маълумотларнинг актуаллигини таъминлаш ҳамда фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

Лицензияланадиган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, мазкур фаолият фақат лицензия олингандан сўнг амалга оширилади.

V. Марказ тузилмаси

Тузилма Марказнинг асосий мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Департаментлар, бўлимлар, гуруҳлар, секторлар ва бўлинмалар Марказнинг

тузилмавий бўлинмалари ҳисобланади.

Марказнинг барча тузилмавий бўлинмалари марказ директори томонидан тасдиқланган Низомларга асосан фаолият кўрсатади.

Марказ тузилмасини тасдиқлаш, унга ўзгартиришлар киритиш Вазирлик қарори билан амалга оширилади.

VI. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва мазкур Уставга хилоф бўлмаган Марказнинг ваколат доирасига кирувчи қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни амалга ошириш;

унга тегишли мулкни ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни тасарруф этиш, эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, ўз номидан шартномалар тузиш, шахсий мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиб иштирок этиш;

ўзининг фаолият доираси бўйича иқтисодӣ, ижтимоӣ ва ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилиш;

Марказнинг ҳаражатлар сметасини аниқлаш ва тасдиқлаш;

бюджет маблағларини қабул қилиб олиш ва сарфлаш, шу жумладан хорижий валютада ҳам;

Марказнинг хўжалик ҳисоби фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобига иқтисодӣ, моддий ва рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш;

Марказ ходимлари учун тасдиқланган мансаб окладларига мувофиқ штат жадвалини Вазирлик билан келишган ҳолда тасдиқлаш ҳамда кўшимчалар ва кўшимча тўловларни, моддий рағбатлантиришнинг бошқа шакллари амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгилаш;

Марказ ташкил этилаётган база, турли хил лойиҳалар доирасида ажратиладиган, шунингдек Марказ томонидан бошқа донор ва ҳомийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига хилоф бўлмаган бошқа манбалардан олинадиган хорижий валютадаги маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хорижий банклар ҳамда бошқа молиявий ташкилотларда хорижий ва миллий валютада ҳисоб-китоб рақамларини очиш ва улар бўйича керакли операцияларни, шу жумладан Марказ активларининг ҳақиқӣ қийматини сақлаб қолиш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар ва валюта битимларини амалга ошириш;

Устав вазифаларини ҳал этиш учун халқаро ташкилотлар, жамоат ва илмӣ жамғармалар маблағларини, ихтиёрий бадаллар ва ҳукумат, жамоат ва тижорат ташкилотлари, жисмонӣ шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг грантларини жалб этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва департаментлари, марказий-иқтисодӣ органлар, вазирликлар, бошқарувлар, Марказий ва тижорат банклари, маҳаллий ва ўз-ўзини бошқариш идораларидан Марказнинг вазифалари доирасида керакли меъерӣ, статистик ва таҳлилий ахборотни олиш;

давлат бошқарув органлари мутахассислари, илмӣ-тадқиқот институтлари ва марказлари ходимлари, шунингдек хорижий олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида тадқиқотларга жалб этиш, вақтинчалик иш гуруҳлари ва жамоаларини шакллантириш;

халқаро конференциялар, кўргазмалар, семинарлар ва симпозиумлар ишини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш. Марказ тадқиқотчилари, миллий мутахассислар ва экспертларга тадқиқот ишлари, хорижий тадқиқот марказлари ва институтларига амалиёт ўташ ва ўқиш учун йўлланма бериш;

матбаа-нашриёт ва реклама-нашриёт фаолиятини амалга ошириш, хорижий матбуотда АКТ масалалари бўйича ахборот-таҳлилий кузатувлар ва ҳисоботларни, шунингдек бошқа илмӣ нашрларни жорий этиш;

консалтинг хизматларини кўрсатиш, маркетинг, ижтимоий ва тижорат асосида бошқа тадқиқотларни олиб бориш;

амалдаги қонунчиликка асосан телекоммуникация ва компьютер алоқаси воситаларини ишлатиш, халқаро ҳамда республика компьютер ва ахборот тармоқларига уланиш ва уларни тақдим этиш, соғлом рақобат шароитларида провайдерлик хизматларини кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда хорижий мамлакатларда ташкил этилган соҳавий юридик ҳуқуқий шахсларнинг, шунингдек Марказ фаолиятига мувофиқ келувчи қўшма корхоналарнинг муассислари ва иштирокчилари сифатида қатнашиш;

Муассиснинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Марказнинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш;

шахсий моддий-техник базани ривожлантириш, капитал қурилиш ва асосий фондлар реконструкциясини амалга ошириш, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

6.2. Марказ мажбуриятлари:

махсус рухсатнома (лицензия) керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун лицензияловчи органлардан махсус рухсатнома (лицензия) олиш;

белгиланган тартиб ва муддатларда солиқ ва статистика органларига ҳамда Вазирликка молия-хўжалик фаолияти бўйича молиявий ҳисобот шакллари, ҳамда бошқа ҳисоботларни тақдим этиш;

белгиланган тартибда илмий тадқиқотлар, бажарилган буюртмалар, шунингдек хорижий грантлар бўйича натижалар тўғрисида ахборотларни тақдим этиш;

Марказ ходимларининг самарали меҳнат қилишлари, илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур шартномавий шароитларини яратиб бериш;

шартномавий мажбуриятлар бўйича, буюртмачи томонидан белгиланган иш ҳажмларини бажариш;

режали махфийлик ва тижорат сири шартларини таъминлаш шарт.

6.3. Муассиснинг розилиги асосида Марказ филиали ташкил этилган тақдирда, Марказ томонидан бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (унинг ҳудудий бошқармаси)ни хабардор қилиш шарт.

6.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Ҳукумат қарорларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажаришга масъулдир.

VII. Марказ бошқаруви

7.1. Марказнинг юқори турувчи бошқарув органи Вазирлик ҳисобланади. Вазирлик Марказнинг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилади, шу жумладан:

Марказ Уставига ўзгаришлар, қўшимчалар киритади ва тасдиқлайди;

Марказ фаолиятининг умумий стратегиясини ва унинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича назоратни белгилайди;

Марказнинг тадқиқот ишлари режаларини ва уларни амалга ошириш бўйича ҳисоботларни тасдиқлайди;

Марказ директорини тайинлайди;

давлат корхонасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатиш комиссиясини тайинлайди ва тугатиш балансларини тасдиқлайди;

давлат корхонаси мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилади;

давлат корхонасининг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш ҳақида қарор қабул қилади;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига давлат корхонасини хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритади;

давлат корхонасига етказилган зарарларни ундириш тўғрисида давлат корхонаси раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиши мумкин.

7.2. Вазирликнинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Марказ директорини тайинлаш, амалдаги меҳнат қонунларига ҳамда ички хужжатларга мувофиқ у билан меҳнат шартномасини тузиш;

Марказ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб корхонанинг устав фондини шакллантириш ва давлат мулкни хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бошқариш ваколатини бериш;

ҳар йили корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини қабул қилиш ва таҳлилдан ўтказиш;

Марказнинг ижро этувчи органига балансда ҳисобда турган мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

Марказга ишониб топширилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

7.3. Вазирлик зарурият туғилган ҳолда Марказ фаолиятига тегишли бўлган масалаларни ҳал этиш мақсадида умумий мажлис чақириши мумкин. Умумий мажлис, Вазирлик ёки Марказ директори ташаббуси билан бир йилда камида бир марта ўтказилади.

7.4. Марказ фаолияти бошқаруви амалдаги қонунчиликка ва марказ директорининг ички тартибларига биноан амалга оширилади.

7.5. Марказ директори корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади.

7.6. Директор ваколатига қуйидагилар киради:

Марказ номидан ишончномасиз ҳаракатларни амалга ошириш;

Вазирлик қарори ва таклифларининг амалга оширилишини ташкил этиш;

мазкур Устав, ички тартиблар, Марказ режалари ва бюджетига биноан Марказ, шунингдек молиявий, маъмурий, меҳнат ва бошқа масалалар бошқаруви;

Марказ ички тартибларига биноан Марказ ходимларини танлаш ва жойлаштириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

қонунчиликка биноан Марказнинг мулки ва маблағларини тасарруф этиш, банкларда ҳисоб-китоб рақамларини очиш, ишончномаларни бериш, молиявий-хўжалик хужжатларини имзолаш ва бошқалар;

Вазирлик олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида маълумот тақдим этиш, бизнес-режа бажарилиши тўғрисида ҳисоб бериш;

Вазирлик йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш ва мажлис котиби вазифасини бажариш;

Марказ Устави, ички тартиблари, Марказ тузилмасига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш;

Марказ фаолиятига тегишли бошқа функцияларни бажариш.

7.7. Давлат корхонасининг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

VIII. Ўзаро ҳамкорлик

8.1. Марказ ўзининг ишлаб-чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш, ривожлантириш мақсадида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги

акциядорлик компаниялари, жамиятлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширади.

8.2. Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, чет эл сармояларини жалб қилиш ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида чет эл мамлакатлари компаниялари билан музокаралар олиб бориш учун Вазирлик раҳбариятига таклифлар киритади.

8.3. Ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширадиган ишлар бўйича Вазирлик олдида ҳисобдордир.

IX. Марказнинг мулки ва маблағлари

9.1. Марказ мулкни асосий фондлар (бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа буюмлар, жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқалар), айланма воситалар, шунингдек банкдаги ҳисоб рақамидаги мавжуд пул маблағлари ҳамда молиялаштириш иштирокчилари ҳисобига олинган бошқа моддий қимматликлар ташкил қилади. Марказ мулки қиймати унинг балансида акс этади.

9.2. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Марказ унга бириктирилган мулк ва бошқа мулк хуқуқлардан фойдаланишни, тасарруф этишни амалга оширади;

9.3. Марказ буюртмаси билан бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган тадқиқотлар яъни илмий-инновацион маҳсулот ва нашриётлар, шунингдек барча тадқиқот материаллари (илмий концепциялар, илмий ҳисоботлар, услубий маълумотлар ва ижтимоий ёзувлар, ижтимоий тадқиқотларни натижалари, вазиятли ва истиқболли баҳолашлар, рефератив, услубий ва бошқа материаллар, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаси ва бошқалар), Марказнинг интеллектуал мулк объектлари бўлиб ҳисобланади.

9.4. Марказ маблағлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

Марказнинг хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар;

тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар;

амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда, ҳомийлардан олинган беғараз молиявий ёрдам маблағлари;

давлат илмий-техник дастурлари рўйхатига қўшилган илмий дастурларни мақсадли молиялаштириш, алоҳида дастур ва лойиҳалар бўйича давлат ва халқаро грантлардан тушумлар, танлов ишларини бажаришга ажратиладиган маблағлар, шунингдек давлат бошқаруви ва ҳукумати буюртмаси бўйича бажариладиган ишлардан тушган маблағлар;

халқаро ва хорижий вакиллик ва нодавлат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ва моддий бадаллар, шу жумладан Бирлашган миллатлар ташкилотининг ривожланиш дастури (БМТРД) томонидан бериладиган техник ёрдам маблағлари;

хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

қимматли қоғозлар ва пайлардан даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа манбалардан ташкил топади.

9.5. Хўжалик илмий-амалий ва бошқа хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан тушган даромадга олинган мулк ва маблағлар, шунингдек хайрия, ҳомийлик ва беғараз тушумлардан ташкил этилган ва олинган мулк ҳамда маблағлар Марказ мулки бўлиб ҳисобланади.

9.6. Марказ ўзига тегишли асосий жамғармалар ва айланма маблағлар, бошқа моддий қимматликларни бошқа ташкилотлар, корхоналарга сотиш, бериш, алмашиш, ижарага бериш, фойдаланишга бериш, шунингдек балансдан чиқариш хуқуқига эга.

9.7. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавоб беради.

9.8. Марказнинг мулк хуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига

мувофиқ ҳимоя қилинади.

9.9. Давлат корхонаси мулкани тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти Устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акция (улуш)ларини сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли акция (улуш)лари сотиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти, мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш;

молиявий-хўжалик фаолитини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун ҳақ миқдорини белгилаш ва ўрнатилган тартибда аудиторлик ташкилотини белгилаш;

соф фойданинг сарфланиши;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ, муассис билан келишиш лозим бўлган бошқа масалалар.

9.10. Марказ балансида ҳисобда турган қўчмас мулк, асосий ва айланма воситаларни ҳамда муассис томонидан унга ишониб топширилган мулк ва бошқа моддий қимматликларни ноқонуний равишда ёхуд Вазирликнинг олдиндан розилиги олинмасдан муддатидан илгари ҳисобдан чиқариш ёхуд уларни талон – тарож қилинишига йўл қўйилган ҳолларда масъул мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

X. Марказнинг устав фонди

10.1. Марказнинг Устав фонди **Вазирлик** томонидан беғараз фойдаланиш учун тақдим этилган ва 31 144 122 (ўттиз бир миллион бир юз қирқ тўрт минг бир юз йигирма икки) сўм миқдорида баҳоланган асосий ва айланма воситалардан ҳамда компьютер воситалари ва техникасидан иборат.

10.2. Марказнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтиришга у тўлиқ миқдорда шакллантирилганидан кейингина йўл қўйилади.

10.3. Марказ Устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш Вазирликнинг тегишли қарори билан амалга оширилади.

XI. Марказнинг фойдаси

11.1. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида бўлади ҳамда ундан Вазирликнинг қарорига кўра устувор йўналишларни молиялаштириш учун мақсадли фойдаланилади.

11.2. Марказ ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона Уставида назарда тутилган тартибда ва Вазирлик томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

XII. Ҳисоб-китоб, ҳисобот юритиш ва назорат

12.1. Марказ амалдаги қонунчиликка биноан оператив ва бухгалтерлик ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисоботни олиб боради, ҳисобот маълумотлари ва баланс ҳисоблари ҳаққонийлигини таъминлайди.

12.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ҳудудий филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини текшируви ва тафтишини амалга оширилишини таъминлайди.

12.3. Марказ фаолиятининг текшируви Вазирлик, шунингдек амалдаги қонунчилик билан Марказ фаолиятининг алоҳида томонларини текшириш масъулияти юклатилган солиқ ва бошқа давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

ХIII. Марказ фаолиятини тугатиш тартиби

13.1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда, Марказ муассиснинг қарорига кўра ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

13.2. Марказ фаолиятининг тўхтатилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда қайта ташкил этиш (қўшиш, қўшиб олиш, бўлиш, ажралиб чиқиш, бирлаштириш, қайта тузиш) ёки тугатиш шаклида амалга оширилади.

13.3. Марказ давлат реестридан чиқарилган санадан бошлаб тугатилган ҳисобланади.